

Баходир ХУЖАЕВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи
bakhodir.khujayev@gmail.com

ҚАТАР МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ РЕЖАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАСИ

ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В НАЦИОНАЛЬНЫХ ПЛАНАХ РАЗВИТИЯ КАТАРА

CENTRAL ASIAN COOPERATION IN QATAR NATIONAL DEVELOPMENT PLANS

Аннотация: Ушбу мақолада ҚАТАР-2030 миллий режаси асосида Қатар ҳукумати томонидан мамлакатни ривожлантириш бўйича белгиланган йўналишлар ўрганиб чиқилган. Бу стратегик режа таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, хорижий ишчи кучи сони ва сифатини назорат қилиш, жамиятда аёллар ролини ошириш ҳамда халқаро ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш каби йўналишларни ўз ичига олган.

Таянч иборалар: Қатар, Қатар миллий нигоҳи-2030, хорижий ишчи кучи, таълим тизимини ривожлантириш, жамиятда аёллар ролини ошириш, халқаро ҳамкорлик, Қатар ташиқи сиёсати.

Аннотация: В статье рассматриваются направления развития Катара, определенные правительством страны на основе национального плана Катара-2030. Этот стратегический план включает развитие систем образования и здравоохранения, контроль за количеством и качеством иностранной рабочей силы, повышение роли женщин в обществе и расширение международного и регионального сотрудничества.

Ключевые слова: Катар, Национальное видение Катара-2030, иностранная рабочая сила, развитие системы образования, повышение роли женщин в обществе, международное сотрудничество, внешняя политика Катара.

Annotation: This article describes the directions of development of Qatar set by the government of the country on the basis of the national plan QATAR-2030. This strategic plan includes the development of the

education and health systems, control over the quantity and quality of foreign labor force, increasing the role of women in society, and expanding international and regional cooperation.

Key words: Qatar, National Vision of Qatar 2030, foreign labor force, education system development, increasing the role of women in society, international cooperation, Qatar's foreign policy.

КИРИШ

Сўнги йилларда Қатар ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ислохотларга эътибор қаратилса, амирлик ўзининг ички ва ташқи сиёсатини ўзгарувчан глобаллашув шароитига мос равишда олиб боришга алоҳида ҳаракат қилаётгани яққол кўринади. “Қатар миллий нигоҳи-2030”да ҳам мамлакатни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун барқарор ривожланишини ва юксак турмуш даражасини таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгиланган [1:5].

“Қатар миллий нигоҳи-2030” – мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик режаси бўлиб, у собиқ амир Ҳамад бин Халифа Ол Соний (1995-2013 йилларда бошқарган) ташаббуси билан яратилган. Ушбу режа 2008 йилда Ривожланишни режалаштириш бош қотибияти (General Secretariat for Development Planning) томонидан нашр этилган. Хужжатни ишлаб чиқишда валиаҳд шахзода ва Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг рафиқаси ҳамда айни вақтдаги амир Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг онаси Муза бинт Носирлар иштирок этгани таъкидланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

2013 йилда тахтни эгаллаган амир Тамим Ол Соний муаллифлигидаги хужжатнинг кириш қисмида у ўтмиш ва келажакни боғлаб турувчи кўприк эканлиги, барча учун тенг иқтисодий ва ижтимоий адолатни кафолатлайдиган, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатга асосланган мамлакатни ифодалаши қайд этилади. Шунингдек, давлат раҳбари хужжат Қатар жамиятидаги турли соҳа вакилларининг узок муҳокамалари натижаси эканлигини ва шу сабаб барча аҳолининг орзу-истакларини ўзида акс эттиришига урғу беради.

Дастур мамлакат юксак иқтисодий тараққиётга эришган ва аҳолининг яшаш

даражаси юқорилаган бир вақтда яратилган. 2004 йилда давлатнинг доимий конституцияси қабул қилинган бўлиб, у 2005 йилда кучга кирган. Конституция ҳокимиятнинг уч тармоғи ваколатлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган. Қатарнинг ўша вақтдаги амири Ҳамад бин Халифа давлатни янада ривожлантириш мақсадида узок муддатга мўлжалланган тараққиёт режасини жорий этишга ана шундай пайтда қарор қилган эди.

Дастур қуйидаги аниқ вазифаларни ўз ичига олади: анъаналарни модернизация қилиш ва шу билан бирга асраб-авайлаш; ҳозирги ва келгуси авлодлар эҳтиёжини қондириш; ривожланиш суръатлари мувозанатини сақлаш; белгиланган ривожланиш режаларини амалга ошириш учун хорижий ишчи кучининг миқдори ва сифатини белгилаш; иқтисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш ва атроф-муҳитни асраш.

Маданий анъаналарни асраш масаласи айни вақтда янада жадаллашаётган глобаллашув жараёнида кўп мамлакатлар дуч келаётган асосий муаммо сифатида тавсифланган.

Қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланиш эвазига даромаднинг янги манбаларини яратиш давлатнинг келгуси авлодлар олдидаги бурчи эканлиги белгиланган. Бу масала конституцияда ҳам алоҳида модда билан мустаҳкамланган: “Давлат барча авлодларнинг юксак ва барқарор тараққиётга эришиши учун атроф-муҳит ва табиий мувозанатни сақлайди”[2:4].

Дастурда иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётнинг назоратсиз кенгайиши билан боғлиқ турли хавф-хатарлар, хусусан нарх-навоининг кескин ўсиши молиявий беқарорлик, умумий хизматлар сифатининг ёмонлашиши, ижтимоий зўриқиш, меҳнат самарадорлигининг пасайиши, атроф-муҳитга зарар етказилишига олиб келиши мумкинлиги қайд этилган. Шу сабаб, иқтисодий тараққиёт аввало аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг доимий ўсишига асосланиши зарурлиги таъкидланган.

Саноатлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда атроф-муҳит ҳимояси бўйича дунё стандартларига амал қилиш мамлакатнинг яна бир вазифа сифатида белгиланган. Бу масала бутун минтақага

таъсир қилиши мумкинлиги таъкидланади. Қатар Кўрфаз минтақасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу сабабли, унинг барча мамлакатлари минтақанинг табиий бойликларини асраш ва ҳимоя қилиш борасида бирга ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланади.

Дастурга кўра тараққиёт қуйидаги тамойилларга асосланиши керак: жамоавий ва шахсий эркинликни ҳимоя қилиш, анъаналар, диний ва маънавий қардиётларни асраш, барча фуқароларга тенг имкониятлар яратиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш. Бу тамойиллар мамлакат конституциясида қуйидагича белгиланган: “Қатар жамияти адолат, саховат, эркинлик, тенглик ва юксак маънавиятга асосланади. Давлат жамият асосларини ҳимоя қилади, ўз фуқаролари учун хавфсизлик, барқарорлик ва тенг имкониятларни кафолатлайди. Барча фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади [2:3]”.

Қатар миллий стратегияси асосан ижтимоий масалаларга қаратилган бўлиб, улар орасида хорижий ишчи кучи муаммоси ҳам мавжуд. Форс кўрфазидagi бошқа араб мамлакатлари сингари, Қатарда ҳам хорижий ишчи кучининг йил сайин ошиб бориши кузатилмоқда. Қатар хорижий ишчи кучи миқдорининг умумий аҳоли сонига нисбати бўйича минтақада энг юқори ўринда туради. 2014 йилда бу кўрсаткич 88%ни ташкил этган [3:46].

Сўнги йилларда аҳоли сонидagi кескин ўсиш ва 2019 йилда мамлакат аҳолиси 2.7 млн. [4:17] кишини ташкил этгани ҳам чет элликлар сонининг кўпайгани натижасидир. Бинобарин, Ғарб мамлакатларининг кўпчилиги хорижий ишчи кучи салмоғини камайтиришга интилаётган бўлса, Қатар учун хорижий ишчи кучи сонининг баландлиги оддий ҳол, ҳатто, Миллий ривожланиш стратегиясини амалга оширувчи асосий омил ҳисобланади.

Муҳожирлар оқимининг ортиши мамлакатда турли товар ва хизматларга, жумладан таълим ва тиббий хизматларга бўлган талабнинг ўсиши натижасида инфраструктуранинг ривожланишини рағбатлантиради. Чет эллик ишчилар асосан хусусий секторда фаолият юритади. Амирлик аҳоли эса, энергетика, молия, телекоммуникация технологиялари

сингари давлат секторларида ишлашни афзал кўради. Бу соҳалар юкори даромадли эканлиги, ижтимоий мавқеи баландлиги ҳамда турли имтиёзларга эгаллиги билан ажралиб туради [5:99].

Шунга қарамасдан, Қатар хорижий ишчи кучининг кескин ошиши билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Ҳукумат меҳнат мигрантларига бўлган эҳтиёжни камайтириш ҳамда жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш бўйича чоралар кўришга зарурият сезмоқда. Бунинг натижасида ишчи кучи таркибини миллийлаштириш ва хорижий меҳнат мигрантларини маҳаллий аҳоли билан алмаштиришни кўллаб-қувватлаш амалиёти фаоллаштирилмоқда.

Бу борада миллий стратегияда давлат ва хусусий муассасалар томонидан тайёрлов ва тренинг дастурларига инвестицияларни кўпайтириш, аҳолига бўш иш ўринларига, хусусан бизнес, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги раҳбар лавозимларига ишга жойлашиш бўйича афзалликлар бериш, Қатарнинг барча аҳолиси учун касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиш, ишга жойлашиш учун аёлларга кенг имкониятлар яратиш ҳамда уларнинг профессионал фаолиятини кўллаб-қувватлаш каби вазифалар белгиланган [1:18].

Дастурнинг яна бир муҳим жиҳати унда таълим тизимига бўлган алоҳида эътибордир. Таълим соҳаси давлат дастурлари доирасида фаолият юритувчи мустақил, ўзининг замонавий, ривожланган бошқарув тизимига эга муассаса ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ҳам давлат, ҳам хусусий сектор томонидан молиялаштирилади ва улар ихтисослашган халқаро ташкилотлар ва илғор илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда олиб борилади.

2014-2015 ўқув йилида Қатарда ўн олтита давлат ва хусусий университетлар фаолият юритган. Талабаларнинг умумий сони эса, йигирма саккиз мингга ташкил этган [6:47]. 2018-2019 ўқув йилида университетлар сони ўн тўққизтага етиб, талабалар сони эса, 35 мингдан ошган [4:30]. Бундай ўсишнинг асосий сабаби миллий таълим тизимининг етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорлигидир.

Малакали дипломат ва сиёсий экспертларга бўлган эҳтиёж сабабли Қатар ҳукумати

Вашингтондаги Жоржтаун университети (Georgetown University) филиалини очди. Университет қошида турли тадқиқотлар билан шуғулланувчи Халқаро ва минтақавий тадқиқотлар маркази ҳам иш бошлади [7:65].

Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши (Gulf Cooperation Council) [8:157] доирасида аъзо мамлакатлар ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан савдо, инвестиция ва молиявий ҳамкорликни ўрнатиш бўйича доимий иш олиб боришга ҳам дастурда кенг жой ажратилган. Қатарнинг кўрфаздаги араб мамлакатлари билан алоқаларида уч жиҳат алоҳида ўрин тутади. Биринчиси, минтақадаги мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш истаги, аммо бу хавфсизликни таъминлаши, савдо, инвестиция ва бошқа иқтисодий имкониятларни яратиши зарур. Иккинчиси, Қатар узоқ вақт минтақада Саудия Арабистонининг таъсирини камайтириш, бу билан Саудиянинг кўрфаз монархиялари орасидаги марказий, ҳатто етакчилик ролини бажаришга интилишини йўққа чиқариб, ўз ташки сиёсатини олиб бориш йўллариини излаши лозим. Учинчиси, Қатар минтақадаги бошқа мамлакатлар ва Яқин Шарқ билан алоқаларни мувозанат билан олиб боришга интилади, чунки унинг Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши доирасидан ташқарида ҳам муҳим савдо ва инвестиция алоқалари мавжуд [9:187].

Амирликнинг сўнги йиллардаги ташки сиёсатига эътибор қаратилса, экспорт асосан Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Хитой ҳиссасига, импорт эса, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Германия каби мамлакатлар ҳиссасига тўғри келишини кўриш мумкин. Хусусан, АҚШ амирликнинг ташки иқтисодий фаолиятида энг муҳим мамлакатлардан бири ҳисобланади. Қатар икки томонлама ҳамкорликни амирлик барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг, шунингдек, иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий фаровонликнинг муҳим омили деб ҳисоблайди. АҚШ ҳам ўз ўрнида Қатарга Форс кўрфазидagi геостратегик аҳамиятга эга мамлакат сифатида қарайди. Амирликнинг энергия захиралари – углеводород хомашёсига бойлиги бунга асосий сабабдир.

Қатар ташқи иқтисодий фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири Осиё

мамлакатлари ҳисобланади. Амирликнинг 2010 йилдаги экспортининг 70% шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган [5:118].

Осиё минтақаси ҳақида сўз кетганда, араб монархиялари ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқалар сўнгги ўн йилликда бирмунча жадал ривожланаётганини қайд этиш зарур. Айниқса, Кўрфаз давлатлари ҳамкорлик кенгаши аъзолари ўртасида Қатар минтақадаги Тожикистон, Қозоғистон ва Туркменистон билан икки томонлама ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда [10:1]. 2007 йилда Қатарда Қозоғистон ўз элчихонасини очган бўлса, 2008 йилда Астана шаҳрида Қатар элчихонаси ўз фаолиятини бошлаган. Амирликнинг Туркменистон билан дипломатик алоқалари дастлаб Эронда жойлашган элчихона орқали амалга оширилган бўлса, 2014 йилда Ашхабодда амирлик элчихонаси иш бошлаган. Тожикистон ва Қатар 2012 йилда Душанбе ва Доҳа шаҳарларида ўз элчихоналарини очган.

ХУЛОСА

Умумий хулоса сифатида қайд этиш лозимки, Форс кўрфазида жойлашган нуфузли араб давлатларидан бири – Қатарнинг юқорида кўриб чиқилган ривожланиш дастури глобаллашув шароитида мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳам ички, ҳам халқаро даражада имкон қадар тўлиқроқ рўёбга чиқаришга қаратилган фундаментал ҳужжатдир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Qatar National Vision 2030 (Қатар миллий нигоҳи -2030). General Secretariat for Development Planning. – Доҳа, 2008.
2. The Permanent Constitution of the State of Qatar. Al Mezan Qatari Legal Portal.
3. Qatar's Fourth National Human Development Report. Realising Qatar National Vision 2030. The Right to Development. Ministry of Development Planning and Statistics, 2015.
4. Qatar in Figures 2020. Planning and Statistics Authority, 2020.
5. Касаев Э. Қатар в XXI веке: современные тенденции и прогнозы экономического развития. – Москва: Международные отношения, 2013.
6. Education in Qatar – Statistical Profile. Ministry of Development Planning and Statistics, 2017.
7. Мелкумян Е.С. Социальная политика Катара в контексте долговременной стратегии развития. Труды Института востоковедения РАН, Вып. 11: Арабский мир и экономические вызовы. Многоликая реальность. – Москва: ИВ РАН, 2018.
8. Асанбаев М.Б. Аравийские монархии: общество, власть и государство. Казахстанский центр гуманитарно-политической конъюнктуры. – Алматы, 2009.
9. Matthew Gray. Qatar: Politics and the Challenges of Development. Lynne Rienner Publishers. 2013.
10. Koch N. Qatar and Central Asia: what's at stake in Tajikistan, Turkmenistan, and Kazakhstan? PONARS Eurasia Policy Memo No. 484. 2017.